

БАЧАДОН БУЙНИ САРАТОНИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОНКОЭПИДЕМИОЛОГИК ВАЗИЯТ

Захирова Н. Н.

Джанклич С. М.

Ахмедов О. М.

Туйчиева С. С.

Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва
Радиология Илмий-Амалий Тиббиёт Маркази

Кириш

Янги маълумотларга кўра, 2020 йилда бутун дунё бўйлаб бачадой буйни саратони билан касалланди, бу эса бачадон буйни саратонини дунёдаги энг кўп ташхис қўйилиб, 2-ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, турли манбаълардаги адабиётларни қисқа таҳлили бачадон буйни саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бутун дунёда ўсиб бораётганлигини кўрсатди, бу эса ушбу патология билан кўрашиш муаммосини долзарблигини кўрсатади.

Мақсад: Ўзбекистон Республикасида 2022 йил ичида бачадон буйни саратони бўйича касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказлари филиаллари томонидан тақдим этиладиган республикамиздаги Бачадон буйни саратони ҳақидаги барча статистик маълумотлар қайд этилган ва Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан қабул қилинган 7SSV «Ҳавфли ўсма касалликлари ҳақида маълумот» назоратҳисоб ҳужжат шакли изланишимизнинг объекти ҳисобланади.

Натижа. Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликлар структурасида Бачадон буйни саратони аёллар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Бачадон буйни билан билан касалланиш сонини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 2019 йил давомида Республикамиз ҳудудида бачадон буйни билан 1863 (1,4%) ҳолат аниқланган, шулардан 36,6% проф курикда аниқланган, йил охирида 8778 тани, 5 йилик яшаш курсаткич 40,6 %, леталлик 0,9% ташкил этади. 2020 йил давомида Республикамиз ҳудудида бачадон буйни билан 1642 (9,7%) ҳолат аниқланган, шулардан 41,0% проф курикда аниқланган, йил охирида 9125 тани, 5 йилик яшаш курсаткич 40,9 %, леталлик 9,6% ташкил этади. 2021 йил давомида Республикамиз ҳудудида бачадон буйни билан 1873 (5,3%) ҳолат аниқланган, шулардан 44,4% проф курикда аниқланган, йил охирида 9591 тани, 5 йилик яшаш курсаткич 45,1%, леталлик 8,1% ташкил этади. 2022 йил давомида Республикамиз ҳудудида бачадон буйни билан 1851 (10,3%) ҳолат аниқланган, шулардан 46,6% проф курикда аниқланган, йил охирида 9918 тани, 5 йилик яшаш курсаткич 42.4 %, леталлик 9,2% ташкил этади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида бачадон буйни саратони билан бирламчи касаллар ортган, проф курикда аникланиш ортган, 5 йиллик яшаш курсаткич ортган, леталлик камайган.

